O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 202097

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 20-yanvar • Seshanba • 8 (27.969) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2003 йили мамлакатимизда 97 спорт иншооти қурилган бўлса, 2008 йили 186 спорт мажмуи бунёд этилди. Шундан 162 таси қишлоқларда қурилди.

Андижонда ёш оилалар учун қурилган 3 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди





ЁШ ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Вилоятда ўтган йилгидек бу йил ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Яқинда вилоят марказининг Бобур шоҳкўчасида бир йўла 3 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди ва 96 та ёш оила янги уйларга кўчиб ўтди.

— Бу кун биз учун унутилмас бўлиб қолади, — дейди ёш оила вакилларидан бири Ҳусанбой Ҳакимов. — «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида қурилган бино хонадонларидан бирига эга бўлдик. Энди ўз уйимиз бор. Кўнглимиз хотиржам. Шундай ғамхўрлик кўрсатган ҳукуматимизга минг бор раҳмат...

Суратларда: *Ҳусанбой Ҳакимов рафиқаси ва фарзанди билан янги уйида; шаҳарда қад кўтарган кўп қаватли турар жой биноси.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ Муносабат

БОЛАЛАР СПОРТИ — СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

пойдевори экани 16 январь куни Оқсаройда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида яна бир бор таъкидланди

Юртбошимиз спорт соҳасига, айниқса, болалар спорти ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларига шахсан раислик қилаётгани бизни чуқур мулоҳаза юритиб, тегишли хулосалар чиқариб олишга ундайди. Маълумки, болалар спортини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад жисмонан соғлом ва баркамол, мустаҳкам иродали, ватанпарвар авлодни вояга етказишдир. Айни чоғда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортни оммалаштириш, моҳир спортчиларни тарбиялаш ҳам бугун бу масалага қай даражада эътибор қаратишимизга боғлиқ.

Болаларни турли ташқи оқим ва ёт ғояларидан сақлаш борасида жуда кўп таклифлар айтилмоқда. Хулоса битта: ёшлар бўш вақтини фойдали машғулотлар билан банд этиш лозим. Бу борада спорт бебаҳо ўрин тутади. Спорт машғулотларига қатнаётган болада орзу-ҳавас кучли бўлади. У ўз мақсадига эришиш учун меҳнат қилади. Кўча-кўйда бекор юришга вақти бўлмайди. Энг асосийси спорт орқали эртанги ҳаётга тайёр бўлиб боради. Соғлом бўлади. Соғлом одам эса соғлом фикр юритади.

Биз учун спорт нимадан бошланади? Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақасиданми? Ёки лицей ва коллеж талабаларининг «Баркамол авлод» спорт анжуманиданми ё мамлакатимиз олий ўқув юрти талабаларининг кичик олимпиадаси номини олган «Универсиада»данми? Менимча, биз учун спорт том маънода болалар спортидан бошланади.

...Қишлоқларимизда кўплаб тиришқоқ болалар бор. Илгари уларнинг асосий қисми юзага чиқмасдан қолиб кетаверарди. Боиси, ўша боланинг ота-онаси фарзандини узоқ шаҳардаги спорт мактабига жўнатмас эди. Ҳозир аксарият қишлоқларда спорт иншоотлари, уларда эса спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Иқтидорлиларни юзага чиқариш учун барча имконият эшиклари очиқ. Биргина мисол. Йиғилишда таъкидланганидек, 2003 йили мамлакатимизда **97** спорт иншооти қурилган бўлса, 2008 йили **186** спорт мажмуи бунёд этилди. Шундан **162** таси қишлоқларда қурилди. Ушбу шарт-шароитларнинг барчасини Президентимиз ташаббуси билан яратилаётганини бутун халқимиз кўриб, билиб турибди.

...Соғлом фарзанд соғлом ота-онадан туғилади. Тушунган ота-она фарзандини спорт билан шуғулланишига жиддий эътибор қаратади. Боласининг ортидан юриб, унинг машғулотларини кузатиб боради. Кичик ютуқлари учун рағбатлантиради. Спортни севган одам мард, жасур бўлиши ҳақида унга гапириб беради. Машҳур спортчилар билан учраштиради. Улардан ўрнак олишга ундайди. Демак, ота-она бола тарбияси билан мунтазам шуғулланиши, бунинг учун албатта вақт ҳам, имконият ҳам топиши керак деб ўйлайман.

Мамлакатимизда ҳар йили кўплаб спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Энг қувонарлиси, уларни жиҳозлаш учун зарур **120** хил инвентардан **118** хили юртимизда тайёрланаяпти. Юқорида номлари келтирилган мактаб, лицей-коллеж, олий ўқув юртлари талабаларининг уч босқичли спорт мусобақаларига шаҳарларимизнинг навбатма-навбат мезбонлик қилиши анъанага айланиб қолди. Мусобақани ўтказиш мақсадида ўша ҳудудда кўплаб спорт иншоотлари қурилмоқда. Мусобақадан сўнг булар маҳаллий ёшлар ихтиёрига берилади.

Яқинда юртимиз вилоятларидан бирида касб-ҳунар коллежида бўлдим. У ердаги спорт залига ҳам кирдим. Жамоавий ва якка кураш спорт турлари билан кўплаб ёшлар шуғулланишмоқда. Яратилган қулайликларни кўриб, кўнглимдан бир фикр ўтди: бунақа шароитда шуғулланаётган болалардан фақатгина чемпионлар чиқиши керак. Телевизор орқали чет эллик спортчилар машғулот ўтказаётганини кўп кўрганмиз. Бугун муболағасиз бир нарсани айтиш мумкин: бизда спортчилар учун яратилган шарт-шароитларга кўпчилик ҳавас билан қарамоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган 2008 йилда халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган **423** нафар ёш спортчимиз **17** та олтин, **15** та кумуш ва **15** та бронза медалини қўлга киритгани барчамизда фахрифтихор туйғусини уйғотади.

Спортнинг энг оммавий турларига болаларни жалб этиш яхши самара беради. Жаҳонда биринчи рақамли спорт тури шубҳасиз футболдир. «Миллионлар ўйини» мамлакатимиз ёшлари орасида ҳам оммалашмоқда. Бу борада кўплаб ишлар қилинди. Бунинг самараси ўлароқ ўтган йили Осиё чемпионатида мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси муваффаққиятли иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаб қайтгани мазкур йиғилишда ҳам эътироф этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди. Ушбу йўл-йўриқ ва кўрсатмаларга бекаму-кўст амал қилсак, юртимиз ҳақиқий спорт мамлакатига айланиши, миллат саломатлиги мустаҳкамланиши, чемпионларимиз сафи янада кенгайиб, улар Ўзбекистонимиз шуҳратига шуҳрат қўшишига ишончимиз комил.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Фракция фаолияти

ДЕПУТАТЛАР ВА ФРАКЦИЯЛАР

ташаббускорлиги парламент қуйи палатаси фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатасининг фаолияти Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, эркинлаштириш концепциясига асосан амалга оширилди.

Лойиҳадан палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007-2008 йиллардаги ижроси ҳамда 2009 йилги Давлат бюджетининг қабул қилиниши, палата қўмиталарининг назорат-таҳлил ишлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда сиёсий партияларнинг молиявий манбалари, Қонунчилик палатасининг халқаро ҳамкорлиги, палата қўмиталарининг амалга оширган ишлари, шунингдек, фуқаролар мурожаатлари ва аҳоли билан учрашувлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа масалалар ўрин олган.

Сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллиги ошгани, фракцияларарО курашнинг кучайгани, қонун лойиҳалари бўйича фракцияларнинг аниқ нуқтаи назарини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди. Бу қабул қилинаётган қонунлар сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Депутутлар фаолиятида муайян тажриба тўпланган сабабли қонун ижодкорлиги ишининг сифати ошди.

Ўтган йилда Қонунчилик палатаси томонидан 69 та қонун қабул қилиниб, 68 таси Сенатга юборилди. Улардан 60 таси Сенатда маъқулланди.

13 та қонун лойиҳаси биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Палата мажлисларида билдирилган мулоҳазалар ва таклифлар ҳисобга олиниб, мазкур қонун лойиҳалари иккинчи, учинчи ўқишда киритиш учун тайёрланмоқда.

2-бет

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

«Ҳазорасп-текстил» масъулияти чекланган жамият «Асакабанк»нинг молиявий кўмагида модернизация қилинди. Цехлардаги эски ускуналар замонавий юқори технологиялар билан алмаштирилди. Жамоа аъзолари учун қулай шароит яратиб берилди.

Бугун бу корхонада енгил саноат тўқимачилиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда гилам тўқишда ишлатиладиган, жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган ип-калава ишлаб чиқарилмоқда. Корхона йилига 2 минг 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўтган йили тайёрланган 2 минг тоннага яқин ип-калаванинг 1300 тоннадан ортиғи хорижий ҳамкорларга етказиб берилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг замонавий ип-йигирув асбобларини келтириш режалаштирилган. Бу қўшимча иш жойлари очиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қошида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ёрдамчи хўжалик ташкил этилди.

Бу ерга Украинанинг Донецк ва Херсон вилоятларидан 135 бош «Қизил чўл» зотли бузоқлар келтирилди. Эрта-индин хўжалик яна 115 бош зотли сигирларга эга бўлади. Корхона ишчилари энди ўзларида етиштирилган сут ва гўшт маҳсулотларидан баҳраманд бўладилар.

(Ўз мухбиримиз)

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

«Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Президент Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил натижаларига кўра, тижорат банклари ўртасида ушбу танловнинг якуни бўлиб ўтди.

Унда маълум бўлдики, танловгача бўлган жараёнлар тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар доирасини янада кенгайтириш ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Банкларнинг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолияти жадаллашиб, кўплаб янги омонат турлари жорий этилди. Пировардида, 2008 йил якунлари бўйича банкларда аҳоли омонатларининг ҳажми 1,7 мартага ошди.

Танловда еттита асосий ва ўн битта қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» номинациясида ютиб чиққан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош соврин — «Нексия» русумли автомобиль билан мукофотланди.

«Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида — «Асакабанк»нинг Фарғона вилоят бўлими ва «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида — «Пахта банк»нинг Наманган вилоят Чуст бўлими жамоалари «Дамас» русумли автомобиллар билан тақдирланди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• **ТАБИАТНИНГ НОЁБ ЁДГОРЛИКЛАРИ**

Бир мисол, Ҳисор қўриқхонасининг шимолий қисмида, Ҳисор тоғ ён бағрида Ҳазрати Султон муқаддас қадамжоси, жанубий қисмида дунёга машҳур Амир Темур ғори бор. Ғорнинг узунлиги 860 метр бўлиб, унда ҳудудимиздаги энг йирик ер ости кўли мавжуддир.

2-бет

Ўзбекистон Миллий банки:

• **ИШОНЧ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ**



3-бет

Фаровон қишлоқларимиз

• **БИРЛАШГАН ЎЗАР**

Бухоро туманидаги работиқалмоқликларнинг амалга ошираётган ибратли ишлари ҳақида

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

«Истиқбол» ташаббуси

ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Бунда айниқса, партия маҳаллий кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари қошида ташкил этилган Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналарининг хизмати катта бўлмоқда.

Навоий вилоят партия кенгаши Жамоатчилик қабухонаси қошидаги Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси ёшлардан тушган мурожаатларни таҳлил этиш, ечимини топиш ва мониторингини юритишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўтган йили маслаҳатхонага 149 нафар йигит-қиз мурожаат этган бўлса, шулардан 121 нафарининг қўйган масаласи ижобий хал этилди. Айниқса, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Томди туман кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларга амалий ёрдам кўрсатди. Зарафшон шаҳар кенгашига иш билан таъминлашда ёрдам сўраб мурожаат этган 8 нафар йигит-қизнинг барчаси тегишли ташкилотлар, фаоллар кўмагида иш билан таъминланди. Навоий шаҳар кенгашига мурожаат этган 2 нафар фуқаронинг муаммолари ечими ҳам «Истиқбол» ёшлар қаноти ёрдами билан ҳал этилди. Томди туман кенгашига кредит олиш масаласида мурожаат этган ёшлар сони 5 нафарни ташкил этди. Шулардан 4 нафарига кредит олишда амалий ёрдам берилди.

Вилоят бўйича бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, «Истиқбол» ёшлар қанотининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлари, фаолияти тобора такомиллашиб бормоқда. Натижада ёшлар қаноти тенгдошларимиз орасига чуқур кириб бораяпти, уларни бирлаштирадиган марказга айланаяпти.

Фэруза ДОНИЁРОВА,
ЎзХДП Навоий вилоят «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси

ДЕПУТАТЛАР ВА ФРАКЦИЯЛАР

ташаббускорлиги парламент қуйи палатаси фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди

Йиғилишда шунингдек, Қонунчилик палатасининг 2009 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Лойиҳада мамлакат ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари, давлат бошқаруви, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий соҳаларда, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза сингари ўта муҳим соҳаларга оид қонунлар қабул қилиниши режалаштирилган. Ишлаб чиқариладиган, янги таҳрирда киритиладиган ҳамда амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, палатанинг назоратҳлил фаолияти юзасидан тадбирлар белгиланган. Қонунчилик палатаси ва палата қўмиталарида турли конференция, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда бошқа тадбирлар ўтказиш, вазирликлар, идоралар раҳбарларининг ахборотларини эшитиш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари ЎзХДП фракцияси 2009 йилга мўлжалланган ўз фаолиятини палатанинг мазкур асосий йўналишлари, партия Дастури ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб ташкил этиши зарурлигини таъкидлашди.

Фракция йиғилишида шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида Инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Гулистон Аннақличева маъруза қилди.

Ушбу Битимда Томонлар бошқа Томоннинг инвесторлари ва инвестицияларига ўз инвесторлари ва инвестицияларига яратгани каби тартибларни яратиши назарда тутилган. Битим иловаларида ўзбек ва япон томонининг изоҳлари мустаҳкамланган, улар маълум ҳамкорлик соҳаларида чекловларни ўрнатишни белгилайди.

Фракция палата муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Матлуба Маҳаметова маъруза қилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Асли КАМОЛ
Сурат муаллифи Абдивоси ҲАЙДАРОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллий бойлик

ТАБИАТНИНГ НОЁБ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Айни пайтда юртимиз ҳудудидаги 4 мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон маданий меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Ушбу бой маданий меросимизнинг моҳияти ва ғоятда муҳим аҳамиятини ёш авлодимиз онгига теран сингдириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Юртимизда табиат ландшафтлари — саҳро, чўл-адирлар, виқорли тоғлар, паст текисликлар, хилма-хил ноёб флора ва фауна, археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар, кам учрайдиган геологик ётқизиқларга эга табиий ёдгорликларимиз мавжуд. Уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш муқаддас бурчимиз. Бугунги кунда бу борада республикамизда қандай ишлар амалга ошириляпти? Унинг қандай ҳуқуқий асослари яратилмоқда?

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Фан-техника тараққиёти ва тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи Равшан МАМАТҚУЛОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Ҳудудимиз дунёдаги хилма-хил табиий ёдгорликларга бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз томонидан уларни муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият қаратиб келиняпти, соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, замон талаблари асосида янада такомиллаштириб борилмоқда. Бинобарин, БМТнинг «Бутунжаҳон маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конвенциясига 1996 йилда ҳукуматимиз қўшилди. Сўнгра ушбу муҳим ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги соҳани регламент қиладиган қонунлар қабул қилинди. Уларда табиий ёдгорликлар назорати ва муҳофаза қилиш механизмлари акс эттирилди. Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар — давлат қўриқхоналари, мажмуавий ландшафт буюртмахоналар, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, алоҳида табиий объектларни асраб-авайлаш, кўпайтириш ва қайта тиклашга ихтисослашган ҳудудлар ва мажмуалар (парваришхоналар, баликчилик хўжаликлари) муҳофаза қилинадиган ландшафтлар ҳамда алоҳида табиий ресурсларни бошқарув ҳудудлари каби категорияларга бўлинди.

Табиий ёдгорликлар, ҳудудларни асраш кўп жиҳатдан аҳолининг экологик маданияти, табиатга муносабатига боғлиқ. Бинобарин, қонунчилик ҳужжатларида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар борасида мулкчилик ҳуқуқлари, юридик шахс ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ акс эттирилган.



— Ҳудудимизнинг иқлими иссиқ. Шу боис, уни мўътадиллаштиришда флора, ўрмон ва дарахтларнинг ўрни катта. Японияда 100-300 ёшлик дарахтларнинг паспорти бўлиб, дендрологларнинг назоратида турар экан. Айтинг-чи, бизда бу борада қандай ишлар олиб бориляпти?

— Дунё тажрибасида, узоқ йиллик, 100 ёшлик дарахтлар миллий бойлик сифатида дендрологлар томонидан алоҳида парвариш қилинади. Бинобарин, қўмитамиз томонидан жойлардаги ҳокимият органлари билан ҳамкорликда республикамиз ҳудудидаги 100 йиллик ва ундан ортиқ ёшдаги дарахтлар сони аниқланиб, алоҳида рўйхат қилиниб, уларга «Давлат ёдгорлиги» мақоми бериляпти. Ҳозирги пайтда 1000 тадан ортиқ ана шундай ёши бир асрдан ошган дарахтларимиз бор.

2008 йилнинг 19 сентябрида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури»ни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар борасидаги ишларни янада такомиллаштириш ва уларнинг майдонини кенгайтириш каби тадбирлар белгиланган.

— Мамлакатимизда халқаро аҳамиятга эга табиий ёдгорлик мақомидаги бойликларимиз ҳақида гапириб ўтсангиз.

— Республикамизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 квадрат километр ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 фоизини ташкил қилади. Сувда сузувчи ва кўчиб юрувчи қушлар яшайдиган, алоҳида муҳофаза талаб қиладиган 10 тадан ортиқ йирик сув ҳавзалари — Айдар-Арнасой кўллар тизими, Тўдакўл, Қорақир, Денгизкўл ва бошқа кўлларимиз бор.

Қўмитамизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Денгизкўл ва Айдар-Арнасой кўллар тизими халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқли ҳудуд мақомини олди, Халқаро Рамсар Конвенцияси рўйхатига киритилди. Шунингдек, қўмитамиз Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий Комиссияси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда БМТнинг «Бутунжаҳон маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конвенцияси талабларига мос 6 та табиий ёдгорликни ЮНЕСКОнинг рўйхатига тавсия этган. Булар — Навоий вилоятидаги Сармишсой дараси, Фарғона водийсидаги Шоҳимардон, Тошкент вилоятидаги Чотқол биосфера қўриқхонаси, Жиззахдаги Зомин ва Қашқадарё вилоятидаги Ҳисор тоғлари, Сурхондарёдаги Бойсун ансамбли ёдгорликларидир.

Шу ўринда баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Юртимизнинг маданий ёдгорликлари, тарихий обидаларини кўриш учун бугунги кунда етти иқлимдан сайёҳлар келяпти. Улар ўзининг ғоятда қадимийлиги билан дунё археолог олимларини ҳайратга солиб келади. Бир мисол, Ҳисор қўриқхонасининг шимолий қисмида, Ҳисор тоғ ён бағрида Ҳазрати Султон муқаддас қадамжоси, жанубий қисмида дунёга машҳур Амир Темур ғори бор. Ғорнинг узунлиги 860 метр бўлиб, унда ҳудудимиздаги энг йирик ер ости кўли мавжуд. Ғорнинг ландшафти ниҳоятда гўзал, кишида ҳайрат уйғотади. Мутахассислар таъкидлашича, бундай ер ости ландшафти ўта камёб ҳодиса ҳисобланади. У эрамиздан олдинги IV-III асрларда пайдо бўлган. Юртимизда бундай қадимий табиий ёдгорликлар кўп. Аммо одамлар табиий меросимиз ҳақида кўп маълумотларга эга эмас. Ўрни келганда, ёшларимиз қалбида ўлкамизнинг табиий ёдгорликларини ўрганиш, бориб кўришга иштиёқни янада ошириш керак, деган фикрни айтмоқчимиз. Зеро, табиий бойликни асраш, ардоқлаш учун аввало уни чуқур ўрганиш, билиш керак.

— Миллий бойлигимиз — табиий ёдгорликларни муҳофазалаш борасидаги ишларимиз тобора такомиллашиб бормоқда. Демакки, ҳали бу борада амалга оширилади ган, ечимини кутаётган масалалар оз эмас! Тўғрими?

— Юртимизнинг табиий ёдгорликларини муҳофазалаш борасидаги ишларимизни жаҳон андазаларига мослаштириш устида тинимсиз изланишлар давом этяпти. Тўғриси, соҳада ҳали баъзи бир муаммолар бор. Айтайлик, ЮНЕСКО рўйхатига киритишга ҳаракат қилинаётган давлат қўриқхоналаримизда муҳофаза ҳудуди бўйича баъзи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарори ҳанузгача қабул қилинмаган. Чунки БМТнинг «Бутунжаҳон маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конвенцияси талабларига кўра, халқаро аҳамиятга эга объектнинг чегараси (унга бевосита киришнинг олдини оладиган) муҳофаза ҳудудига эга бўлиши керак. Бу муаммони ҳал этиш учун БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик фоннинг техник ёрдамида (2008 йилдан бошлаб) давлат қўриқхоналарининг муҳофаза ҳудудларини аниқлаш ва уни тегишли равишда тасдиқлаш лойиҳаси амалга оширишга киришилди.

Табиий ёдгорликлар, моддий-маънавий обидалар аждодларимиздан бизга қолган улкан бойлик, муқаддас меросдир. Шу заминда яшаётган ҳар бир инсон бундан фахрланса, уни авайлаб асраш туйғусини кўнглига туйиб яшаса улар бойлик касб этади.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бошланғич ташкилот — партиянинг таянчи

ЕТАКЧИ ФАОЛ БЎЛСА

иш юришади, тарафдорлар кўпаяди

«Китоб темир-бетон буюмлари» масъулияти чекланган жамияти қурилиш учун сифатли қум, шағал ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Жамоанинг аҳиллиги, ҳар бир ишчи-хизматчи ўз вазифасини астойдил бажариши мувафақиятларга замин яратмоқда. Бунда корхонадаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти, унинг етакчиси, техника хавфсизлиги бўйича муҳандис Солижон Рамазоновнинг алоҳида ўрни бор.

У умрининг ўттиз йилдан ошиғини шу корхонада ўтказди. Ишлаб чиқариш устаси, бош муҳандис бўлиб ишлади. Ўн беш-йигирма йил бурун бу корхона кичкинагина цех эди. Асосий ўзгариш мустақилликдан кейин бошланди. Корхона акцияларини хусусий сармоядор сотиб олди, масъулияти чекланган жамият тузилди. Замонавий маъмурий-маиший бинолар, янги цехлар бунёд этилди.

Солижон ишчи-хизматчилар маошининг ошиши, меҳнатдан манфаатдорликнинг кучайиши корхона маҳсулотлари ўта сифатли, харидоргир бўлишига хизмат қилишини яхши билади. Шунинг учун бу масала БПТ етакчиси сифатида доим унинг эътиборида. Кейинги пайтда бу борада талай ютуқларга эришилди. Оқсув дарёсидан олиб ювиб-тозаланаётган қум, тегирмонда майдаланаётган шағалга талаб ошаётгани, Бухоро темир-бетон буюмлари корхонасидан тўхтовсиз буюртма тушаётгани, Касби, Косон, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва бошқа туманлардаги коллежлар, мактаблар ҳамда ижтимоий объектлар қурилишида шу сара маҳсулотлардан фойдаланилаётгани корхонанинг иқтисодий қуввати ўсиб, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

У цехлар жойлашган очиқ майдонга етиб келганида, кишилар ишга кириша бошлаган эди. Иш яхши бошлангани, хавфсизлик қоидаларига риоя қилингани, асосийси, жамоадошларининг кайфияти кўтаринки эканига ишонч ҳосил қилгач, қоришма тайёрлаш, қолипларга қуйиш жараёнини кузата бошлади. Ҳамкасблари билан дилдан суҳбатлашиб турганида уни жамоа раҳбари сўраётганини айтишди.

Рустам Комилов билан бўлган суҳбат унинг ўз ишига масъулиятини янада оширди. Ҳали ўттиз бешга кирмаган ёш раҳбар Халқ демократик партиясига яқинда аъзо бўлган эди.

— Мана, сафингизга қўшиб олдингиз, энди бошланғич ташкилотимиз олдидаги вазифаларни бир муҳокама қилиб кўрайлик, — деди жамоа раҳбари.

— Бошланғич ташкилотимизнинг энг асосий вазифаси — партиямиз Дастурида илгари сурилган масалалар ҳаётда ўз ифодасини топишига интилишдан иборат.

— Бу борада биз қандай имкониятларга эгамиз?

— Масалан, касаначиликни йўлга қўйишимиз мумкин. Ишчиларимиз учун иш кийимлари, қўлқопларни касаначилар тикиб берса, биринчидан, арзонга тушади, иккинчидан, уйда ўтирган хотин-қизлар ишли бўлади.

Шундай қилишди. Корхона билан шартнома асосида 5 нафар касаначи фаолият юрита бошлади. Улар тикув машиналари, матолар билан таъминланди. Азамат Расуловга 40 уя асалари олиб берилди. Натижада у ҳам ишли бўлди. Ҳозир ишчилар дастурхонидан жаннат неъмати аримайди.

Партия бошланғич ташкилотига ажратилган хона кенг, ораста ва шинам. Китоблар, хариталар, газета-журнал тахламлари...

У иш қоғозлари, партияга янги қабул қилинганларнинг ҳужжатларини тартибга солди. Ҳисоблаб кўрса, ўтган йилда БПТ сафига 6 нафар янги аъзо қўшилибди. Шу пайт хонага ёш ишчи Жасур Жабборов кирди. У дўстлари билан партияга аъзо бўлмоқчи эканини айтди. Солижон ишдан сўнг бу ёшлар билан суҳбат қилди, уларга партиянинг дастурий мақсадини тушунтирди. Саволларига жавоб қайтарди.

Солижон Рамазонов яна бир бор партия бошланғич ташкилоти ишлари ҳақида ўйлади. Ҳар бир аъзо ўз масъулиятини ҳис этиши керак. Бунинг учун аввало, етакчидан ташаббускорлик талаб этилади. Ўшанда бошланғич ташкилот ишлайди, одамларга таъсири бўлади, тарафдорлар кўпаяди.

У навбатдаги ишлар режасини қоралади. Алоҳида мавзулар бўйича партиядошлар ва тарафдорлар иштирокида давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ўтказишни йўлга қўйиш керак, деган хулосага келди. Масалан, партия нуфузини оширишда БПТ ўрни ёки БПТ ва депутатлар ҳамкорлиги... Бу каби масалаларни партиядошлари билан келишиб олишга қарор қилди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИГА ҒАМХЎРЛИК

Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Нукус филиалида оналар ва болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Осиё Тараққиёт банки кредити ҳисобидан мазкур филиал замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда 230 ўринга мўлжалланган филиал клиникасида репродуктив марказ ва илмий бўлим, шунингдек, скрининг маркази фаолият юритмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофазалашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти, тиббиёт соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилянти. Табиийки, бу саъйи ҳаракат ўз самарасини бераяпти. Бинобарин, ҳудудда сўнгги йилларда оналар ва болалар саломатлиги сезиларли даражада мустаҳкамланиб бормоқда.

Суратларда: шифокор Муҳаббат Бекмуродова иш пайтида; (ўнгдан-чапга) марказнинг Нукус филиали директори, олий тоифадаги шифокор Серегул Бозорова ва директор ўринбосари, шифокор Муҳаббат Бекмуродова.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Миллий банки:

ИШОНЧ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Капитализация даражасини ошириш борасидаги фаолиятни янада жонлантириш, инвестиция жараёнларидаги ва иқтисодиёт асосий тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кредитлашдаги иштирокни кенгайтириш — давлат раҳбари томонидан белгиланган асосий вазифалардир. Шу муносабат билан, банк тузилмаларини жалб этиш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ўзгартишлар чуқурлаштирилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ишончли молиявий воситачи сифатидаги обрўсини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш имконини берди.

Бундан ташқари, банк ривожланган инфратузилмага эга бўлиши, мижозларга хавфсиз хизмат кўрсатилишини таъминлаши ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати ва турлари бўйича замонавий мезонлар/рейтингларга мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бу талабларнинг барчасига жавоб беради. Зеро, ҳозирда 1,5 миллион кишидан ортиқ мижозлар уни «ўз банки» сифатида танлаган. Шу боис, «Ўзмиллийбанк»нинг фирма брэндини ҳамма танийди ва бунда юқори сифатли ҳамда ишончли банк маҳсулотлари ва хизматлари тушунилади.

Миллий банк доимий равишда жўшқин ривожланиб, банк хизматлари бозоридаги ўз иштирокини кенгайтирмоқда: 2008 йилнинг охирига келганда мазкур банк мижозлари сони йил бошидагига нисбатан 18 фоиз кўпайиб, 1.803,5 минг кишини ташкил этди. Банк Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг катта улуши бўйича хизмат кўрсатмоқда. 612тадан ортиқ етакчи халқаро банкларни қамраб олган кенг вакиллик тармоғи операциялар географиясини кенгайтириш, республика корхоналари ва ташкилотларининг хорижий шериклар билан ҳисоб-китобларини ташкил этиш, жаҳоннинг исталган жойида жисмоний шахсларнинг пул жўнатмаларини амалга ошириш учун имкон бераяпти.

Кўп йиллик иш тажрибаси, халқаро рейтинглар билан қайта-қайта тасдиқланаётган етакчилик мавқеи, замонавий технологиялар ва юқори малакали ходимлар банкка иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ҳам, кичик бизнес ҳам молияланишини юксак даражада таъминлаш имконини бераяпти.

КИЧИК БИЗНЕС — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланувчи кичик ва хусусий бизнесни молиялаш Миллий банк фаолиятида мустаҳкам устувор ўрин тутади. Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга, юксак профессионал даражадаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳамда шу асосда корхоналарнинг экспорт учун ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга йўналтириладиган хорижий инвестицияларни жалб этиш бу ишнинг энг муҳим компоненти ҳисобланади.

Тадбиркорлар валюта ресурсларидан фойдалана олишларини таъминлаш учун Миллий банк, мана, кўп йиллирки, ЕТТБ, ОТБ, ХМК, КФВ, ОПЕК Фонди каби машҳур халқаро молия муассасаларининг кредит йўналишлари маблағларидан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни молиялаш амалиётини олиб бораяпти. Хорижий кредит йўналишлари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида Миллий банк томонидан қиймати 485,6 млн. АҚШ доллари бўлган 196 та лойиҳа молиялашга қабул қилинди. Улар бўйича кредитлар суммаси 285,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Банкнинг валюта ресурслари миллий бизнесга замонавий ускуналар, илғор ва юқори самарали технологиялардан фойдаланиш учун йўл очмоқда. Бу эса, истиқболда тадбиркорларга ишлаб чиқаришнинг янада юқорироқ даражасига кўтарилиш ва ўз тараққиётининг янги босқичига кириш имконини беради.

Миллий банк 2008 йилда ўз маблағлари ҳисобидан 275,1 млрд. сўмлик кредитлар берди. Имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан берилган микрокредитлар 2,4 млрд. сўмликни ташкил этди. Бюджетдан ташқари фондлар йўналишлари бўйича кичик бизнес субъектларига 3,3 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилган. Шундан 3,0 млрд. сўми Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобидан берилди.

Миллий банк бўлим ва филиалари ҳисобот даврида миллий валютада жами 7,0 мингдан зиёд микрокредитлар берди. Уларнинг қиймати қарийб 19,0 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан 1,4 млрд. сўми Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобидан ажратилди.

Кредитлар берилаётганда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ҳам, минтақа эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинади. Миллий банк республиканинг бой хомашё ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва шу кабилар билан боғлиқ лойиҳаларга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ўтган давр мобайнида корхоналар томонидан умумий қиймати 200 млрд. сўмни ташкил этадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги товарлари, кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 57,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги товарлар экспорт қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк кредит портфелида якка тартибдаги тадбиркорлар устувор мақомга эга. Бинобарин, айни шундай мулкдорлар синфи турмуш андозаси ва сифатини белгилаб беради, ижтимоий барқарорликнинг асоси ҳисобланади.

УНИВЕРСАЛ КРЕДИТ — МОЛИЯ МУАССАСАСИ

Иқтисодиётни кредитлаш Миллий банк фаолиятининг асоси ҳисобланади — унинг активлари тузилмасида кредитлар 60 фоиздан ортиқ ўрнини эгаллаган. Кредит портфели ҳажми 2009 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 2.105,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Хорижий банкларнинг такрор молияланган манбалари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш ва кредитлаш ишлари илғари ажратилган кредит йўналишларини ўзлаштириш ҳисобига лойиҳаларни молиялаш, янги кредит йўналишларини жалб этиш, лизинг шартномалари юзасидан хизмат кўрсатиш, кафолат ва факторинг операцияларини амалга ошириш, хорижий банкларнинг молиявий агенти функцияларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига кирган лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш каби асосий йўналишлар бўйича олиб борилаяпти.

Банк инвестицияларининг энг катта ҳажми нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, рангли ва қора металлургия, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларини, алоқа, транспорт ва сайёҳлик инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда Миллий банк умумий қиймати 3,88 млрд. АҚШ доллари бўлган (эквивалентда) 110 та инвестиция лойиҳаси бўйича 145 та хорижий кредит юзасидан хизмат кўрсатмоқда.

Миллий банк томонидан молияланган охирги лойиҳалар орасида Тошкент вилоятида Оҳангарон ГЭС қурилиши, Андижон вилоятида Андижон ГЭС-2 қурилиши, «Ўзбекнефтгаз» МХКни бурғулаш қурилмалари ва сейсмоқидирув комплексларини ишлаб чиқариш, Андижон вилоятидаги «Раиш-Хакент-1» ҳамда Андижон вилоятидаги «Улуғнор» насос станцияларини реконструкциялаш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Миллий банк агросаноат комплекси, телекоммуникациялар ва технологияларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар бўйича хорижий банклар билан бир қанча қарз битимларини тузди. Бу лойиҳаларни молиялаш ишлари келгуси йилларда амалга оширилади.

Инвестиция жараёни бўйича шериклар билан биргаликда ишлаш борасида Миллий банк тўплаган тажриба шундан далолат бермоқдаки, алоҳида эътибор берилишини талаб қиладиган бир қанча жиҳатлар инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга. Буларга биринчи навбатда инвестиция лойиҳаларини синчиклаб тайёрлаш ҳамда инвестициялар бозоридаги хатти-ҳаракатларнинг изчил дастури киради.

Ўзбекистон Президенти томонидан банклар олдига қўйилган вазифаларни бажариш, капитализация даражасини ошириш, кредит портфелини соғломлаштириш мақсадида Миллий банк 2008 йилда иқтисодиётнинг реал шўъбасини ва устувор йўналишларни кредитлаш ишларини, жумладан, ипотека ҳамда истеъмол кредитлари беришни давом эттирди. Зеро, улар ёш оилалар, аҳолининг кам таъминланган ва кенг қатламлари Банк ресурсларидан фойдаланишини таъминлайди.

Истеъмол кредити кенгайиши талаб ортишига, ижтимоий қайта ишлаб чиқариш ва фаровонлик даражаси ўсишига олиб келади. Ҳолбуки, истеъмол кредитлари биринчи навбатда товарлар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши ҳеч ким учун сир эмас.

Истеъмол кредити Миллий банк томонидан жисмоний шахсларга республикада ишлаб чиқарилган ҳамда уларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш учун берилмоқда.

Ипотека кредитлари бериш тизими аҳолининг барча қатламларига янги квартиралар эгаси бўлиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, оммавий қурилиш лойиҳалари амалга оширилишига, қурилиш саноати ва бинокорлик материаллари саноати ривожланишига олиб келади. Квартирани кредит ҳисобидан сотиб олиш эса, аҳолига ўзининг уй-жой муаммосини уйнинг тўлиқ қийматини жамғариш ва тўландан анча олдин ҳал этиш имконини бераяпти.

2008 йилда Миллий банк жами 969 млрд. сўмлик кредитлар берди. Шундан 724,7 млрд. сўми миллий валютада ажратилди. Бу эса, 2007 йилдагидан (412,3 млрд. сўм) деярли икки баравар кўп. Хорижий валютада берилган кредитлар 177,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2007 йилда бу кўрсаткич 124,3 млн. АҚШ доллари эди).

ФОНД БОЗОРИНИНГ НОВАТОРИ

Миллий банк ҳозирги кунда мамлакатдаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Унинг ривожланган инфратузилмаси Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватлаётган молия ва саноат шўъбалари ривожланишида ёрдам бераяпти.

Миллий банкда барча зарур ресурслар, жумладан, ҳам молиявий, ҳам интеллектуал ресурслар мавжудлиги у республика қимматли қоғозлар бозорида самарали фаолият юритишида қўл келмоқда.

Хусусан, Миллий банк йирик корхоналарга андеррайтинг хизматлари кўрсатиш, траст, брокерлик, РЕПО операцияларини бажариш, шунингдек, инвестиция-банк хизматлари комплексини тақдим этиш орқали маслаҳат хизматлари кўрсатиш фаолиятини қизғин олиб бораяпти.

Фаолият миқёсларини кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш билан бир вақтда банк қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга ошириш чоғида юритаётган инвестиция сиёсати асосий мезон сифатида фонд портфели даромадлилиги таъминланишини кўзда тутади.

Банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, инвестиция компаниялари ва фондлар ва сугурта компанияларига (6,07 фоиз) йўналтирилган.

2008 йилда «ЎзМЕДлизинг» ва NBU INVEST GROUP каби компанияларга маблағлар йўналтирилди. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари қанчалик катта стратегик аҳамиятга эгалигини эътиборга олиб, банкнинг «Микрокредитбанк» АЖ, «ЎзКДБ» ЁАЖ, «Қурилиш лизинг» ЛК ОАЖ, «Ўзметкомбинат» АИЧБнинг устав сармояларидаги улуши кўпайтирилди.

Иқтисодиётнинг реал шўъбасига мансуб корхоналарни қўллаб-қувватлаш банк инвестиция фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. «Ўзмиллийбанк» «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, «Ўзавиализинт» ОАЖ ва «Ўзметкомбинат» АИЧБ каби корхоналарнинг акциядори ҳисобланади.

Банкнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ва капиталлашув даражасини ошириш учун 2008 йилда депозит ва депозит (жамғарма) сертификатларини чиқариш ҳисобига аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг вақтинча бўш пул маблағларини жалб этиш ишлари фаол олиб борилди. 2008 йилда умумий қиймати 100,1 млрд. сўм бўлган депозит ва жамғарма сертификатларининг икки нашри чиқарилди. Шулардан 100 млрд. сўмлиги юридик шахслар учун ва 100 млн. сўмлиги жисмоний шахслар учун чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726 сонли қарорини бажариш ҳамда иккиламчи фонд бозорини янада ривожлантириш мақсадида «Ўзмиллийбанк» бошқа тижорат банклари билан биргаликда «Элсис-Савдо» БТСЭТ ЁАЖнинг фаолиятини такомиллаштириш ишларини давом эттирди.

Шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, қимматли қоғозлар билан савдо қилиш электрон тизими миқёсларини янада кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга биноан, ҳозирги вақтда буюртманомалар қабул қилиш минтақавий пунктлари БҚП тармоғи кенгайтирилмоқда. Бу ишни Миллий банк «Элсис-Савдо» билан биргаликда олиб бораяпти.

Банк бўлим ва филиаллари ҳузурида ташкил этилаётган БҚПларнинг асосий вазифаларидан бири мижозлардан қимматли қоғозлар сотиб олиш ёки сотиш учун буюртманомаларни қабул қилишдир. БҚПларнинг дастурий таъминоти реал вақт режимида буюртманомалар тақдим этиш имконини беради. Жўнатилган буюртманомалар белгиланган тартибда зарур процедуралардан ўтганидан кейин биржадан ташқари савдолар электрон тизимида қатнашади.

Миллий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳузуридаги БҚПнинг дастурий таъминоти тест синовларидан муваффақиятли ўтказилди ва бу синов натижалари юксак даражада ташкиллаштирилган кенг тармоқли, ишончли биржадан ташқари бозорни вужудга келтириш учун реал имконият борлигини кўрсатди. Ҳозирги вақтда Миллий банк бўлим ва филиаллари ҳузурида буюртманомалар қабул қилувчи 16 та пункт ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли Фармони бажарилишини таъминлаш мақсадида Миллий банк банкрот корхоналарнинг мол-мулкини ўз балансига қабул қилиб, улар негизида ўз шўъба корхоналарини ташкил этди. Янги ташкил қилинган корхоналар уларни реструктуризациялаш, лойиҳада белгиланган қувват билан ишлаш даражасига чиқариш ҳамда стратегик инвесторларга сотиш мақсадида банкнинг шўъба корхоналари — «NBU Invest Group» ва NBU Investment инвестиция компанияларига бошқариш учун топширилди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси савдо ва инвестициялар, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид узоқ муддатли дастурларни амалга ошириш соҳасида энг яқин қўшнилар билан ҳамжиҳат ишлаш салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш борасида пухта ўйланган изчил сиёсат юритиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Банк тизими ўз фаолияти билан, жумладан, халқаро молия муассасаларининг маблағларини жалб этган ҳолда минтақавий ҳамкорликни фаоллаштиришда муҳим роль ўйнаши керак. Шу боис, Ўзбекистон Миллий банкининг тажрибаси, ресурслари ва яхши йўлга қўйилган алоқалари мазкур соҳага ҳам йўналтирилган.

Миллий банк шундай ривожланишга қўмаклашиб, Ғарбий Европа, Россия, Индонезия, Корея, Хитой ва Ҳиндистон молия-банк доиралари билан мустаҳкам алоқалар боғлаган, бир қатор икки томонлама битимларни имзолаган.

Хусусан, телекоммуникация ускуналари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилишини молиялаш тўғрисида Сосьете Женераль банки билан, республикага Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган товарлар, ускуналар ва хизматлар етказиб берилишини молиялаш учун Ҳиндистон Эксимбанки билан, кичик бизнес лойиҳаларини молиялаш тўғрисида Ислом тараққиёт банки билан тузилган қарз битимлари шулар жумласидандир.

Бундай битимлар банклар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни муваффақиятли тарзда кенгайтириш ва экспорт-импорт операцияларини, лойиҳалар ва савдо молияланишини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик доирасида Миллий банк ИТБ, ОТБ, ХВФ, Ислом хусусий шўъбани ривожлантириш корпорацияси каби халқаро молия муассасалари, шунингдек, ШҲТ банкларараро бирлашмаси билан ҳамкорлик фаолиятини янада кенгайтириш ишларини олиб бораяпти.

Хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлашда банкнинг вакиллик тармоғи мақбуллаштирилгани катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳозирги кунда бу тармоқ 640 та банкни ўз ичига олган. Шуларнинг 612 тадан ортиғи жаҳоннинг 75 мамлакатига мансуб хорижий банклар бўлса, қолган 28 таси Ўзбекистон банкларидир.

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Ҳозирги вақтда миллий иқтисодиёт катта суръатлар билан ўсиб бораётгани туфайли Ўзбекистон молия шўъбаси ҳам фаол ривожланмоқда. Тегишлича, хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораяпти.

Халқаро рейтинг агентликларидан бирининг рейтингини олиш имконияти масаласи банк шўъбаси ҳам, бутун мамлакат иқтисодиёти ҳам халқаро молия-иқтисод тизимига янада муваффақиятли кириб боришининг долзарб ва муҳим шартидир.

2007 йилда «Ўзмиллийбанк»ка бир йўла иккита рейтинг — Moody's халқаро рейтинг агентлиги ва «Эксперт РА» рейтинг агентлигининг рейтинглари берилди. Бу эса, Миллий банк мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда, халқаро савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатишда етакчилик қилаётганлигини акс эттиради.

Бундан ташқари, «Эксперт РА» агентлигининг рейтингини олиш билан бирга «Ўзмиллийбанк» Ўзбекистонда хорижий агентликнинг юксак даражали «А» кредит рейтинги берилган биринчи банк бўлди.

Айни рейтинг агентликлари ва турли халқаро ташкилотлар у ёки бу компаниянинг аҳволи ҳамда ривожланиш истиқболлари ҳақида нуфузли фикрларини билдириб, инвестиция муҳитини шакллантиришнинг муҳим иштирокчилари бўладилар.

2008 йил 20 ноябрда Standard&Poor's рейтинг хизмати Миллий банкка халқаро шкала бўйича «B/B» узоқ ва қисқа муддатли рейтингларини берди.

Миллий банкка Standard&Poor's агентлигининг навбатдаги халқаро рейтинги ривожланиб бораётган глобал молиявий танглик шароитида берилди. Ҳолбуки, бу вақтда етакчи рейтинг агентликлари илгари берилган рейтингларни пасайтирадилар ёки бир қанча давлатларнинг рейтинглари пасайишини башорат қиладилар. Республикадаги энг катта банкка бундай нуфузли агентликнинг халқаро рейтинги «барқарор» деган прогноз билан берилиши Миллий банк танлаган ривожланиш стратегияси тўғрилигига, Ўзбекистон банк-молия тизими барқарор ривожланаётганига ҳамда жаҳондаги мураккаб танглик шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи пухта ўйланган иқтисодий сиёсатга мустақил хорижий экспертлар томонидан берилган муносиб баҳо бўлди.

ЧАКАНА БОЗОРДАГИ ЭНГ КАТТА БАНК

Ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги омонатчилар ҳамда пластик карта эгаларининг миқдори бетўхтов ўсиб бораётганлиги банк хизматлари бозоридаги маркетинг сиёсати Миллий банк томонидан тўғри танланганини ҳамда замонавий банк маҳсулотлари ва ускуналари фаол жорий этилаётганини, у ўз бўлим ва филиалларини мунтазам равишда моддий-техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаётганини, ходимларнинг малакаси доимий равишда ошириб борилаётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, банк доимий мижозлар учун ҳам, потенциал мижозлар учун ҳам ўз хизматларининг жозибадорлигини ошириш, шунингдек, умуман аҳолининг Миллий банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида, жамиятнинг ижтимоий ва ёш тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, мунтазам асосда ҳар хил омонат турларини, жумладан, пластик карталарни ишлаб чиқаяпти ва таклиф этаяпти, мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантираяпти ҳамда ўзининг нарх ва тариф сиёсатини доимий ўзгариб турувчи иқтисодий ва технологик омилларга қараб шакллантираяпти, истеъмол ва ипотека кредитлари бераяпти, ин ҳаки лойиҳалари доирасида жисмоний шахсларга овердрафт кредитларини, шунингдек, пул жўнатмалари ва йўл чеклари билан боғлиқ хизматларни, VISA халқаро пластик карточкалари бўйича хизматларни тақдим этмоқда.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИ

Ҳозирги кунда бутун дунёда нақд пулсиз чакана тўловлар тизимида пластик карточкалар биринчи ўринда турибди. Ҳисоб-китоб қилиш қулайлиги, нақд пул айланиши камайиши ва хизмат кўрсатиш харажатлари қисқариши, пул маблағларини сақлаш ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги — тижорат банклари тарқатаётган пластик карточкаларнинг ҳеч қандай баҳсмунозарага ўрин қолдирмайдиган афзалликларидир.

Республикада сўм ва халқаро пластик карточкалар чиқарадиган энг катта эмитент ҳисобланувчи Миллий банк ушбу замонавий банк маҳсулотини аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар орасида янада оммалаштириш ва амалий турмушга кенг жорий этиш ишларини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726 сонли қарорини бажариш мақсадида, Миллий банк 2009 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, уяли алоқа хизматидан фойдаланганлик учун тўловларни қабул қилиш пунктлари, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, авиа ва темир йўл кассаларини ўз ичига олувчи республика савдо-сервис корхоналарида, ихтисослаштирилган кассалар, мини-банклар ва банк муассасаларининг ўзида «UZKART» тизими микропроцессорли пластик карточкалари эгаларига хизмат кўрсатиш учун 3.968та терминал ўрнатган. Бу терминаллар «UZKART» иштирокчиси бўлган 21 банк томонидан республикада ўрнатилган жами терминалларнинг 1/5 қисмини ташкил этади.

2008 йилда Миллий банк пластик карточкаларни тўлов учун қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари тармоғини анча кенгайтириб, улар миқдорини 2.653 тадан 3.553 тага етказди. Қўшимча равишда 1.164 та терминал сотиб олиб, савдо-сервис корхоналарига ўрнатди. Бунда уларнинг умумий миқдори бирйўла 30 фоиз кўпайди. Терминаллар ўрнатиладиган савдо-сервис корхоналарини белгилаётганда карточка эгаларининг бўлган мижозлар билан ўтказилган сўровнома натижалари, шунингдек, банк билан иш ҳаки лойиҳалари бўйича шартномалар тузган корхона ва ташкилотларга бу савдо нуқталари қанчалик яқин жойлашгани ҳисобга олинади. Бундан ташқари, банк ҳар бир терминал орқали ўтган савдо айланмасини доимий асосда мониторинг қилиб боради ва бу кузатув якунлари асосида терминаллар фаол ишламаётган савдо нуқталаридан қайтариб олиниб, мижозларнинг талаби кўпроқ бўлган савдо-сервис корхоналарига ўрнатилади.

Бундан ташқари, 2009 йил январь ойигача банк ихтиёрида 97 та банкомат бор эди. Шу ойга келиб, банк қўшимча равишда принципиал янги ускуна — инфокиосклар сотиб олди. Бу янги ускуналар кўпчилик кириши мумкин бўлган жойларга коммунал хизматлар, уяли алоқа хизматлари ва бошқалар учун карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш мақсадида ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қабул қилинган 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарорни бажариш, шунингдек, пластик карточка ушловчиларга тақдим этиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, уларга хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида, 2008 йилда қарийб 180 мингта карточка муомалага чиқарилди. Уларнинг умумий эмиссияси эса 1,3 миллион донадан ошди. Иш ҳаки лойиҳалари доирасида чиқарилган карточкалар сони умумий эмиссиянинг қарийб 30 фоизини ташкил этди.

Сўм пластик карточкаларни тўлов учун қабул қилувчи савдо-сервис корхоналарида нақд пулсиз тўловлар бўйича айланмалар 146,8 млрд. сўмдан кўпроқ суммани ташкил этди. Бу эса, 2007 йилдаги шу кўрсаткичдан 2,3 баравар ортиқдир.

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» ОМОНАТЛАРИ

Миллий банк аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш соҳасида ҳам ўз етакчилик мавқеини сақлаб турибди. Миллий банк ушбу молия хизматлари бозорини ўзлаштиришда чакана мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган банклар орасида пешқадамлардан бири ҳисобланади.

Аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилишини янада рағбатлантириш мақсадида 2008 йилда миллий валютадаги 20 та ва хорижий валютадаги 13 та янги омонат амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726 сонли қарорини бажариш мақсадида, банк 2008 йилда жисмоний шахсларга узоқ муддатли депозитларнинг 15 турини таклиф қилди. Булар миллий валютадаги, АҚШ доллари ва Евродаги омонатлар эди.

Бундан ташқари, сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан «Янгилик» муддатли депозити бўйича ютуқлар тиражи ўтказилди. Тираж натижаларига кўра омонатчиларга тўланган ютуқлар умумий суммаси 18,3 млн. сўмни ташкил этди.

2008 йилда Миллий банк «Western Union», MIGOM ва Осиё-Экспресс тизимлари орқали, жумладан, CONTACT ва Лидер тизимларига кирган вакил банклар тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор пул жўнатмаларини амалга ошириш ишларини давом эттирди. Улар бўйича бажарилган операциялар умумий ҳажми йил давомида 40 фоиз кўпайиб, 171,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорини бажариш мақсадида банк муассасалари аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ишларини олиб бораяпти.

2008 йил давомида қабул қилинган коммунал ва бошқа тўловлар ҳажми 65,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса, аввалги йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Жумладан, 114 та ихтисослаштирилган касса (шулардан 10 таси — мини-банклар) ҳам нақд шаклда, ҳам пластик карточкалардан нақдсиз пул чиқариш йўли билан 36,5 млрд. сўм ҳажмидаги тўловларни (умумий ҳажмнинг 55 фоиз) қабул қилди.

Чакана мижозлар миқдори анча кўпайганлиги аҳолининг кучли ишончи, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган аниқ мақсадли ишлар натижасидир.

АХБОРОТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Миллий банк ўз хизматлари доирасини анча кенгайтириб, мижозларга ҳам корпоратив, ҳам чакана хизматлар кўрсатувчи универсал банкка айланди. Ҳозирги кунда банк соҳасида ҳам кенг қўлланилаётган Интернет технологиялари фаол ривожланмоқда. Натижада, Интернетдан фойдаланиладиган банк хизматларига талаб пайдо бўлди. Шу билан бирга, менежерлик қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотга ишлов бериш билан боғлиқ янги талаблар вужудга келди.

Ҳисоб-китобларни тез бажариш, жуда катта ҳажмдаги маълумотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва уларга ишлов бериш, ахборот тақдим этиш соҳасидаги сервис юқори даражада бўлишини таъминлаш, ресурсларни мослашувчанлик билан ва тезкор бошқариш, молия бозоридаги хатти-ҳаракатларнинг энг мақбул стратегиясини математик жиҳатдан асосланган тарзда танлаш зарурати — мана шулар замонавий молия-иқтисод ташкилотлари ахборот тизимларидан талаб қиладиган асосий вазифалар рўйхатидир.

Миллий банк ўз иш хусусиятларига кўра ўзининг ахборот тизимларини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантираяпти, ахборот технологиялари соҳасидаги ўз пешқадамлик мавқеини сақлаб туриш учун барча зарур имкониятларга эга.

2008 йилда Миллий банк амалий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва модернизациялаш ҳамда амалдаги автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш ишларини давом эттирди. Миллий банк ўзининг фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш хизматини ташкил қилганлиги банкнинг ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришда истиқболли йўналиш бўлди. Бундай хизмат жаҳон амалиётида Service Desk деб аталади.

Мониторинг бўйича статистика ва таҳлил ҳисоботларини шакллантириш учун мўлжалланган дастурий маҳсулотларни ривожлантириш ишлари доимий равишда олиб борилаяпти.

Масофадан туриб электрон ҳужжатлар алмашиш R-Bank («Мижоз-Банк») тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давом эттирилди. Мазкур тизим «Ўзмиллийбанк»нинг 42 та бўлимида жорий этилган бўлиб, 2009 йил 1 январдаги ҳолатга кўра унда 1.461 мижозга хизмат кўрсатиляпти.

Интернет-банкинг хизмати ривожлантирила бошланди. Интернет орқали хизмат кўрсатишга мослаштириш учун R-Bank тизими модернизация қилинди.

Мини-Банк дастурий комплексини қувватлаш давом эттирилди. Мини-Банк комплекси «Ўзмиллийбанк» бўлим ва филиалларидан узоқда жойлашган пунктларда банк ходимлари мижозларга тўла-тўкис хизмат кўрсатишини таъминлаш учун мўлжалланган. Ҳисобот даврида ушбу дастур 12 та янги пунктда жорий этилди. Ҳозирги вақтда Мини-Банк комплекси 78 та пунктда ўрнатилган.

«WS Personal» («Веб-сфера Персонал») тизими ишлаб чиқилиб, синов тариқасида фойдаланила бошланди. Ушбу тизим банк ходимлари учун электрон ҳисоб юритиш, электрон ҳужжатлар айланиши дастурида, жумладан, бизнес-жараёнларни автоматлаштириш дастурида муаллифлаштириш операциялари бажариладиган ягона нуқта бўлиб хизмат қилади. Мазкур комплекс ходимлар учун «шахсий электрон кабинет» бўлади ва ҳужжатлар электрон шаклда юритилиши ва ҳисобга олинишини таъминлайди. Ушбу комплекс ғоят кам вақт сарфлаб, зарур (алоқа боғлашга доир, кадрлар билан боғлиқ, молиявий ва бошқа) маълумотларни олиш имконини беради.

ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 93 та таркибий бўлима, 82 та минибанк ва 104 та ихтисослаштирилган касса ишламоқда.

Ҳозирги вақтда «Ўзмиллийбанк»нинг кадрлар тайёрлаш стратегияси Миллий банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. «Ўзмиллийбанк» кадрлар малакасини ошириш тизимини банкнинг оператив эҳтиёжлари ва стратегик манфаатларига таянган ҳолда қурмоқда. Кадрлар резервини тайёрлаш масаласига катта эътибор берилаяпти. Бу резерв таркибига банк тизимидаги 300 дан зиёд истиқболли мутахассислар киритилган.

Миллий банкда мутахассислар малакасини ошириш маркази муваффақиятли ишлаб турибди. Унда ҳар йили мингдан зиёд ходимлар, шунингдек, республикадаги бошқа молия муассасаларининг ходимлари ўқиб, қайта тайёргарликдан ўтмоқда. Ўнлаб ўрта ва олий бўғин раҳбарлари ўқиш ҳамда стажировкадан ўтиш учун чет элларга юборилаяпти. Банк ўз ходимлари республиканинг олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда

❖ Фаровон қишлоқларимиз

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Бухоро туманидаги работиқалмоқликларнинг амалга ошираётган ибратли ишлари ҳақида

Қадим Бухоронинг кунботар томонида бир қишлоқ бор. Уни Работиқалмоқ дейишади. Гарчи қишлоқ фуқаролар йиғини шу ном билан аталса-да, унинг таркиби ўнга яқин қишлоқча-ю, 3 та маҳалладан иборат. Шаҳарнинг шовқин-суронли шундоққина эшитилиб турадиган бу қишлоқнинг файзу таровати ўзгача. Поёни кўринмас боғ-роғлари, кенг кўчалари-ю, замонавий ҳовли-жойлари, қишда ҳам баҳор нафаси уфуриб турадиган иссиқхоналари, ўқув ва ҳунар масканларига боқиб, завқланмай илож-ингиз йўқ. Одамларини айтмайсизми? Ҳар бир оиланинг ўз касб-кори, ҳунари бор. Хулласи, работиқалмоқликларнинг яшаши, турмуш тарзига ҳамманинг ҳаваси келади. Улар эришаётган ютуқлар сири нимада?

— Биласизми, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Раҳмат Аҳмедов, — халқимизда «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деган ажойиб нақл бор. Кўз тегмасин, бизда ҳамма муштни бир ерга уришга, ҳамнафасу ҳамжиҳат бўлишга ўрганган...

Қишлоқнинг кенг кўчаларида машиналар кети узилмайди. Бир томонда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бир томонда замонавий шифохона, тўйхона-ю, дорихона. «Деҳожи» қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда умумий амалиёт шифокори, партиямиз фаоли Санобар Жўраева гап орасида қишлоқ ўтмишига назар ташлади.

— Илгари атиги биттагина медпункт бўларди. Олий маълумотли шифокор эса анқонинг уруғи, оғир дардга чалинганларни туман марказига олиб бориш минг машаққат эди. Энди-чи, ҳудудимизда бир эмас, тўртта қишлоқ врачлик пункти бор. Ҳаммаси малакали тиббиёт ходимлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Биргина бизда 4 нафар врач, 12 нафар ҳамшира фаолият кўрсатади. 5000 нафар аҳолини қамраб олганмиз. УЗИ, ЭКГ, таҳлилхона — ҳаммаси ўзимизда.

— Тақдир тақозоси билан оғир дардга чалиниб, юролмай қолганимга анча йил бўлди, — дейди Ҳамдам Тўрақулов. — Шифокорларга раҳмат, барака топгурлар соғлиғимни муттасил назорат қилиб туришади...

Раис билан қишлоқ атрофини айландик.

— Бу «Амин Ҳусен» фермер хўжалигининг олмазори, — деди ҳамроҳим маржондек терилган, ҳафсала билан шакл берилган дарахтзорга ишора қилиб. — 18 гектар. Фермер Ҳаёт Аминов ЎзХДП фаоли. У ҳар йили мана шу боғдан тонналаб олма олади. Шу боис бозоримизда олма арзон, қолаверса, мана бу коллеж (муҳташам иншоотга ишора қилди у) ўқувчилари ҳам ундан баҳраманд...

Боғ билан туташ Саноат-касб-ҳунар коллежи қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди. Уни айланиб, улкан билим даргоҳидагидек ҳис этдик ўзимизни.

— Касб-ҳунар масканимиз бултур ишга тушди, — деди коллеж директори ўринбосари Зиннат Очилова. — Ҳозир тўққиз гуруҳда 270 нафар ўқувчига саккиз йўналишда касб-ҳунар сирларини ўргатаяпмиз. Уларнинг аксарияти шу қишлоқ фарзандлари...

Работиқалмоқдаги 1511 та оилада вояга етаётган ўғил-қизлар учун 7 та умумтаълим мактаби, иқтидорли ёшлар махсус ўқув даргоҳи, касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатаяпти.

Бугун бу ерда деярли барча мулкдор — ер эгаси. 246 та оила якка тартибдаги тадбиркор. Рауф Раҳматов оиласи ўзининг шинам ва арзон мебеллари билан эл оғзига тушган бўлса, Малика Некова, Муяссар Болтаевалар қўлида сайқал топаётган зардўз дўппию чопонларга харидор кўп. «Тор-тор маҳалла» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Сафар Ғуломов яратаётган янги иш ўринлари, Ҳафиза Ўроқованинг қишлоқдош қизларга қандолатчилик сирларини ўргатаётгани эл оғзига тушган кўпдан-кўп савобли ишларидан бири.

Ҳудуддаги «Маданият Артекс», «Бухоро пахта уруғчилиги» — Ўзбекистон — Франция қўшма корхонаси «Арсенал соҳибкор» масъулияти чекланган жамият сингари идораю муассасалар фаолиятидан аҳоли мамнун.

— Қишлоқларимиздаги бундай ўзгаришлар негизида истиқлол берган имконият ётибди, — дейди ҚФЙ котиби, ҳудудий партия ташкилот раиси Сабоҳат Раҳматова. — Бу имкониятнинг қадрига етиш ва ундан самарали фойдаланишда партиямиз аъзолари фаоллик кўрсатмоқда. 200 нафардан ортиқ ХДП аъзоси ҳар бир жамоада етакчи.

2009 йилга Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб ном берилиши қишлоқ аҳли кўнглидаги орзулар рўёбига туртки бўлди. Зеро, Работиқалмоқда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Аҳоли ўзлари яшаб турган жойни янада обод қилиб, ёшларнинг билим олиши ва касб ўрганиши учун барча шароитларни яратиб беришдек олижаноб мақсадлар йўлида бел боғлаган.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: «Арсенал Соҳибкор» МЧЖ ишчилари (чапдан) Ферангиз Ҳайитова ва Мафтуна Кенжаева; «Амин Ҳусен» ф/х раҳбари Ҳаёт Аминов.

И.ХОЖИЕВ олган суратлар.

Футбол

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ФИНАЛДА!

Доха (Қатар)да ўтказилаётган «Дўстлик» халқаро турнирида Аҳмаджон Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақиятли тўп сурмоқда. Гуруҳда Белорусь (1:0), Малайзия (4:2) ҳамда Қатар (3:0) футболчиларини мағлубиятга учратган ёшларимиз ярим финалга йўлланма олганди.

Ярим финалда эса вакилларимиз Япония ёшлар терма жамоасига рўбарў келишди. Осиё чемпионати кумуш медали совриндори ва шу йил декабрда Мисрда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилиб қўйган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кунчиқар юрт футболчиларига қарши ҳужумкор ўйин намойиш этди — 3:2. Вакилларимиздан тўпларни Фозил Мусаев, Шерзодбек Каримов ҳамда Кенжа Тўраев киритди.

Энди ёшларимиз ҳал қилувчи баҳсда иккинчи ярим финалда майдон эгалари — қатарлик ёшларни 2:0 ҳисобида доғда қолдирган Сурия Олимпия терма жамоаси билан куч синашади. Ўйин бугун Тошкент вақти билан соат 19:30 да бошланади.

МДҲ КУБОГИ: ДУРАНГ ВА ҒАЛАБА

Москвада ўтказилаётган анъанавий «МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги» халқаро турнири қизғин паллага кирди. Ушбу нуфузли мусобақада Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Турнирнинг «А» гуруҳида иштирок этаётган пахтакорчилар дастлабки турда Россия чемпиони Қозоннинг «Рубин» жамоасига қарши майдонга тушди. Гарчи, учрашувнинг 16-дақиқасида Александр Гейнрих ҳисобни очган бўлса-да, 54-дақиқада россияликлар жавоб тўпини киритишди — 1:1. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда эса Қозоғистоннинг «Актобе» ва Арманистоннинг «Арарат» жамоалари ўзаро баҳс юритдилар — 3:1.

Иккинчи турда «Пахтакор» футболчилари арманистонликларга қарши майдонга чиқиб, йирик 4:1 ҳисобида зафар қучишди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Қозоғистон чемпиони «Актобе» жамоаси «Рубин» футболчилари дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллашди ва муддатидан олдин чорак финалга йўлланмани қўлга киритди.

Пахтакорчилар гуруҳдаги охирги турни бугун «Актобе» жамоасига қарши ўтказадилар. Мусобақа низомига мувофиқ ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоанинг кейинги босқичга чиқишини ҳисобга олсак, ушбу учрашувда ҳамюртларимизни дуранг натижа ҳам қониқтиради.

Эркин ХОЛБОБО



КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Реклама

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Самарқанд шаҳридаги «Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати» музейини капитал реконструкция қилиш

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 9 ой.

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: 8 (366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 70000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри Кўк-Сарой майдонида соат 10.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.



ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗМОҚЧИ

Марказий Африка республикаси президенти Франсуа Бозизе ўтган якшанба куни ҳукуматни тарқатиб юборди, деб хабар беради Франс Пресс. Президент фармони радио орқали ўқиб эшиттирилди. Бозизе унга изоҳ бермади, лекин яқин орада янги ҳукумат тузишини маълум қилди. Ўтган йилнинг декабрида ҳукумат қуролланган сиёсий мухолифат билан олиб борган музокара томонларнинг келишуви билан тугаган эди. Президент шундан келиб чиқиб, янги ҳукумат тузишга қарор қилган бўлса, ажаб эмас.

МУВАҚҚАТ КЕЛИШУВ

Ғазо минтақасидаги Ислом ҳукумати бошлиғи Исмоил Хония фаластинликлар уч ҳафта давомида Исроил қўшинларига қарши туриб, тарихий ғалаба қозонганини маълум қилди. «Ғаним кўзлаган мақсадига эриша олмади. Биз тарихий ғалабага эришдик, бу Фаластин давлати барпо этишга замин яратади», деди у телевидение орқали халққа мурожаат қилиб. Шунингдек, РИА Новости хабарига кўра, Исмоил Хония астойдил қўллаб-қувватлагани учун жаҳон ҳамжамиятига миннатдорлик билдирган ва Исроил қўшинлари минтақада содир этган хатти-ҳаракатни ўрганиш бўйича махсус комиссия тузишни таклиф қилган.

Эслатиб ўтамиз, минтақада уч ҳафта давом этган қонли хуруж оқибатида 1,3 мингдан ортиқ фаластинлик ҳалок бўлди. Уларнинг аксарияти тинч аҳолидир. Исроил томонидан эса 9 ҳарбий, 4 нафар оддий фуқаро уруш қурбони бўлган. Исроил 18 январь куни бир томонлама сулҳ эълон қилиб, ҳарбий ҳаракатни тўхтатди. Минтақани назорат остига олган ХАМАС эса жанговар ҳаракатни бир ҳафта ичида бир томонлама асосда тўхтатишга сўз берди.

Шанба куни Исроил бош вазири Эхуд Олмерт Исроил ҳукумати ўз олдига қўйган барча мақсадга эришганини айтди. «ХАМАСга катта талафот етказилди ва у Исроилни ўққа тутиши даргумон», деди бош вазир. Айни вақтда Исроил қуролли кучлари Ғазо минтақасини тарк этганича йўқ. Ҳукумат вазият бўйича аниқ бир фикрга келмагунича армияни минтақадан олиб чиқмоқчи эмас.

ЯПОНИЯ САЁҲАТЧИЛАРНИ КЎПАЙТИРМОҚЧИ

Токиодаги балиқ бозорига саёҳатчилар киришига яна рухсат берилди, деб хабар қилади ННК телекомпанияси. Улар бозорда аукцион бошланишидан ярим соат олдин қўриқчилар назорати остида, махсус йўриқнома билан кириши мумкин. Балиқ бозорига сафар қайтадан ташкил этилишига сайёҳликни ривожлантириш ва япон таомларини кенг тарғиб қилиш сабаб бўлди. Ўтган йилнинг декабрь ойига қадар кунига 500 нафар сайёҳ бу ерга ташриф буюрган. Экскурсиянинг тўхтатилишига саёҳатчиларнинг тартибни бузгани сабаб бўлган. Улар аукцион ишига халақит бериб, балиқ ушлашган ва яна олди-сотди бўладиган ҳудудга дахл қилган.

Шаҳар туризмининг шусиз ҳам танг бўлган аҳволини янада оғирлаштирмаслик учун ҳукумат экскурсияни тиклашга қарор қилди. Бунга жаҳон молиявий инқирози ва иена қийматининг кўтарилиши сабаб, албатта. 2007 йилгача мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони 10 фоизга ошган бўлса, ўтган йилнинг август ойидан бошлаб бу кўрсаткич кескин камайиб кетди. Аҳвол шу тариқа давом этса, ҳукумат дастури амалга ошмай қолиши мумкин. Унга биноан, Японияга келадиган сайёҳлар сони йилига 10 миллион кишини ташкил этиши керак.

ТЕРРОРЧИЛАР ЛАГЕРИДА ЎЛАТ ТАРҚАЛДИ



«Ал Қоида»нинг Жазоирдаги бўғини ўқув-машғулот лагерида ўлат тарқалди, деб хабар беради Буюк Британиянинг «The Sun» газетаси. Нашр хавфсизлик хизмати манбасига таяниб ёзишича, тайёргарлик ўтаётган 40 нафарга яқин жангари ўлат қурбони бўлган.

Ўқув-машғулот лагери Тизи-Узу вилояти ҳудудида бўлиб, мамлакат пойтахтидан 150 километр олисда жойлашган. Террорчилар ўлганларни қолдириб базадан қочишган. Мутахассисларнинг айтишича, ўлатдан террорчилар саросимага тушиб қолишган. Чунки уларда бу балонинг олдини олувчи ва даволовчи дори-дармон мавжуд эмас. Террорчилар раҳбарлари жангарилар ўлимдан қутулиб қолиш учун таслим бўлишидан хавотир олмоқда.

Шуни айтиш керакки, «Мағриб Ислом мамлакатларидаги «Ал-Қоида» деб ном олган бу гуруҳ 2008 йили Жазоирда бўлган портлашлар, Исроилнинг Мавритания элчихонасида содир этилган отишма учун жавобгарликни бўйнига олган.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 50
16380 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.30
8
Sotuvda erkin narxda